

**А Ж Р И М**  
**Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан**  
**озод қилиш ҳақида**

2023 йил август ойининг 9 кунини жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг очиқ саёр суд мажлиси, Андижон шаҳар Иқбол МФЙ, ҳуқуқ тартибот маскани биносида бўлиб, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси У.Каримов, судья ёрдамчиси К.Шаробидиновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Адашев, гумон қилинувчи Ф.С ва унинг ҳимоячиси адвокат Ф.Умаров, жабрланувчи Е.Свиридовларнинг иштирокида, гумон қилинувчи Ашуров Файзуллоҳ Абдумалик ўғлига нисбатан 1-1701-2301/600-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Ф.С (Ф.С), 2004 йил 23 сентябрда Андижон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] да яшайди, ярашув қарори нусхасини 2023 йил 1 августда олган.

Суд, гумон қилинувчи, жабрланувчини аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

Дастлабки тергов органи томонидан 2023 йил 27 июль кунини соат тахминан 05:30ларда ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Андижон шаҳар, 2-кичик даҳаси 48-уй олдида жойлашган автотураргоҳда ҳаракатдан тўхтаб турган фуқаро Е.Свиридовга тегишли “Кобалт” русумли 60 Е 797 SA давлат белгили автомашинанинг олд эшик очиқлигидан фойдаланиб, автомашина салон қисмига ўрнатилган 1 дона бозор нархи 2.150.000 сўмлик “Neonline 7800с” русумли антирадар воситасини яширин равишда талон-торож қилиб, антирадар воситасини Андижон шаҳар Боғишамол даҳаси ҳудудида 1.100.000 сўмга сотиб юборганлиги аниқланган.

Иш бўйича ҳодиса содир бўлган жойдан олинган кузатув камерасидаги видеотасвирлар баённома орқали олиниб, ушбу жиноятни содир этган шахс аниқлаш борасида Андижон вилоят ИИБ ЭКБ АДТТ базасидан текширилганида ушбу жиноятни Ф.С томонидан содир этилганлиги тўғрисида №3432 сонли эксперт маълумотномаси олинган.

Дастлабки тергов органи томонидан Ф.С Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган. Жабрланувчи Е.Свиридов

судга ариза тақдим қилиб, ҳозирда Ф.С билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини, унга нисбатан



ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини, ярашувлари ихтиёрий бўлганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини кўрсатиб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Ф.С судга ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини кўрсатиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчи Е.Свиридов, гумон қилинувчи Ф.Слар томонидан тақдим қилинган аризаларни жиноят иши материалларига қўшиб ўрганиб чиқиб, уларнинг ярашувлари ихтиёрий эканини, гумон қилинувчи ўз айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон эканини, содир этган қилмишини оқибатларини англаганини, зарарлар тўла қопланганини, ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини, улар ярашувга рози эканликларини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84-моддасига асосланган ҳолда, Ф.Сни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582,585-586-моддаларини қўллаб,

### **А Ж Р И М   Қ И Л Д И:**

Ф.С (Ф.С) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, гумон қилинувчи, жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан бошлаб йигирма кун ичида шу суд орқали Андижон вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят келтириш ёки хусусий протест билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи**

**У.Каримов**

